

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*

УДК 65.0

**Турғунов Бобомурод Махаматкаримович**

**“Бутловчи қисм етказувчи ташкилотларда QSB “Quality system basic”  
сифат тизими талабларини жорий этишдаги муаммолар ва уларнинг  
ечимлари” мавзусида**

**Иҳтинослик: 5А310902 – Метрология, стандартлаштириш ва сифатни  
бошқариш**

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Диссертация кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди:

Баённома № \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_\_» 201\_ й.

Кафедра мудири: т.ф.н., доцент.  
Ш.М.Эсанова

Илмий раҳбар: т.ф.н., доцент.  
Ш.М.Эсанова

Андижон 2017 й

<b>КИРИШ</b>	<b>3</b>
<b>I-боб. ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛСОЗЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ</b>	<b>9</b>
1.1. Сифат бошқаруви тизмларининг эволюцион босқичлари GM-GMS глобал бошқарув тизими хақида қисқача маълумот	10
1.2. Автомобилсозлик соҳасида мужассамланган сифат	15
1.3. Автомобилсозлик соҳасида сифатни таъминлашнинг стратегик мақсади	16
1.4. Старетегик мақсадга эришишдаги муҳим йўналишлар	17
1.5. Сифат тизими асоси элементларининг моҳияти QSB, QSB+ ҳамда BIQS	20
<b>II-боб. BIQS (Built-In-Quality Suppliers) ЕТКАЗУВЧИЛАР УЧУН МУЖАССАМЛАНГАН СИФАТГА КИРИШ</b>	<b>24</b>
2.1. Номувофик маҳсулотни бошқариш ва даражали аудит тартиби, таҳлили	24
2.1.1. PFMEA ва Хавф устунлигини даврий қўриб чиқиш	27
2.1.2. Bypass (Айланиб ўтиш) бошқариш хужжатлари ва хатодан ҳимояланиш асосида сифатни бошқариш	31
2.1.3. MSA ўлчаш тизимларини таҳлиллаш.	35
2.2. BIQSда жараёнлар назорати ва текшируви	36
2.3. BIQSда сифат муоммларини бартараф этиш йўллари	62
2.4. BIQSда маҳсулотларни саклаш, қадоқлаш ва етказиш занжирида сифат бошқаруви	68
<b>III-боб. BIQS ЖОРӢЙ ЭТИШДАГИ МУАММОЛАР</b>	<b>77</b>
3.1. BIQS доирасида ҳодимларни бошқариш	77
3.2. Ҳодимларни ўқитишга бўлган талаблар	79
3.3. Ҳодимлар малакасини ривожлантириш инструментлари	81
3.4. Ҳодимларни ўқитиш дастури	82
<b>Хулоса ва таклифлар</b>	<b>87</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b>	<b>89</b>
<b>Атамалар</b>	<b>93</b>
<b>Иловалар</b>	<b>96</b>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

Факультет: “Машинасозлик”

Магистрант: Турғунов Бобомурод  
Махаматкаримович

Кафедра: “Метрология  
стандартлаштириш ва  
маҳсулот сифати менежменти”

Илмий раҳбар: т.ф.н.доц. Ш.М. Эсанова

Ўқув йили: 2015-2017 йй

Мутхассислиги: 5А310902-  
“Метрология, стандартлаштириш ва  
сифатни бошқариш”

**Турғунов Бобомурод Махаматкаримовичнинг**

**МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА АННОТАЦИЯ**

**2015-2017 ўқув йили**

**Илмий тадқиқот мавзусининг долзарблиги:** Мазкур магистрлик диссертацияси BIQSни жорий этишдаги муаммолар ва уларни ечимини ўрганишга ва таҳлиллар натижасида ушбу тизмни ишлаб чиқариш ҳамда олий таълим муассасаларида ўзлаштириш қулай бўлган ўқув дастурини яратишни долзарб масала сифатида кўради

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** Ўзбекистон автомобилсозлигига асос солинганига 20 йилдан ошмоқда шу ўтган давр мобайнида ишлаб чиқаришини етук малакали мутахассислар балан таъмнилаш қайсиdir маънода қийин кечмоқда, бунга сабаб ишлаб чиқариш дунёсини илмий ва назарий дунёдан узоқлашиб кетиши деб топилди. Ушбу диссертациянинг илмий янгилиги сифатида ҳам ҳозирги ишлаб чиқаришда қўлланилаётган актуал бошқарув тизмларидан бири ҳисобланган BIQ-Sни жорий этиш муаммоларини ўрганиб ушбу муаммоларнинг ижобий ечимини топиш ва ишлаб чиқариш дунёсига малакали мутаҳассисларни янги замонавий бошқарув тизими асосида тайёрлаш учун илмий амалий ёндошиш асосида ўқув қўлланма яратишдан иборат

**Илмий-тадқиқот обьекти ва предмети:** Илмий тадқиқот обьекти сифатида маъқулланган етказувчи мақомини қўлга киритган Асака шаҳридаги “Uz-DongWon Co” Ўзбекистон Корея қўшма корхонаси ва Фарғона шаҳридаги “Uz-SungWoo” Ўзбекистон Корея қўшма корхоналари танланилди. Илмий-тадқиқот предмети сифатида эса ушбу корхоналарда жорий этилган BIQS муаммоларини ўрганиш ва ечимларини топиш чора тадбирлари ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади ишлаб чиқариш корхоналарида 365 кунлик юқори сифатни ушлаб туриш ва ходимларга BIQ-S элементларини ўқитиши оптимал вариантини ишлаб чиқишидан иборат бўлиб, ушбу жараённи олий таълим соҳасидаги билим юртларида ҳам ташкиллаштиришга ва ўқув жараёнига тадбиқ этишга йўналтирилган ўқув қўлланма яратишдан иборат.

**Илмий раҳбар:**

т.ф.н., доцент  
Ш.М.Эсанова

**THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
MINISTRY OF HIGHER AN SECONDARY SPECIAL EDUCATION**

**ANDIJAN MACHINE BIULDING INSTUTETE**

Faculty: "Mechanical engineering" Master: Turgunov Bobomurod  
Makhamatkarimovich

Chair: "Metrology  
Standardization and  
product quality management"

Scientific leader: MD, dots.SH.M.Esanova

Academic year: 2015-2017

Speciality: 5A310902-“ Metrology  
standardization and product quality  
management”

**MASTER'S THESIS ANNOTATION OF  
TURGUNOV BOBOMUROD MAKHAMATKARIMOVICH**

**2015-2017 academic years**

**The relevance of scientific research:** Actuality of the research is to study and analyze the problems and their solutions on implementing BIQ-S by the results of analyzing will be made the study program and textbook which will be used at production and in high education.

**New scientific level of research:** Defined the problems of implementing BIQ-S.

- Personal Development at “Uzavtosanoat” enterprises
- Making the study program and textbook on the theme of quality management

**Object and subject of research:** The object of the research are “Uz Dong Won Co” and “Uz Sungwoo”Co Ltd auto industry enterprises. The subject is implementing BIQ-S at enterprises.

**Purpose of objectives of research:** The purpose of research is that to keep high quality of manufacturing in the company in 365 days and preparing optimal variation of teaching BIQ-S principles to the workers. These process should be developed and preparing new handbook for the teaching process.

**Scientific leader: MD, dots.SH.M.Esanova**

## **КИРИШ**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги.** Ҳозирги қунда инсоният тараққиётида автомобиль ишлаб чиқариш муҳим соҳалардан бири бўлиб, юқори рақобатбардош бўлишни талаб этмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомобильларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош ва ўз ўрнини топа олиши учун энг аввало сифат кўрсаткичларини юқори даражада ушлаб туриш лозим. Мустақилликка эришган қунларимизданоқ ўрта осиёда ягона бўлган автомобилсозлик корхонасига эга бўлишимиз ўзи бизнинг катта ютуғимиз ҳисобланади.

Дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар сони 29 та бўлиб, улар ичида Ўзбекистондаги “GM-O’zbekiston” АЖ ҳам ўз ўрнига эга.

Рақобатбардош бўлишда сифат, нарх ва ўз вактида етказиш жуда муҳим ҳисобланади. Кузатувлар шуни кўрсатадики автомобиль сифат кўрсаткичининг 70 фоизи бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келар экан. Юқоридагиларни ҳисобга олиб “GM-O’zbekiston” АЖ ўз бутловчи қисмлар етказувчи корхоналарга BIQS (Built-In-Quality Suppliers) етказувчилар учун мужассамланган сифат талабларни жорий этиш талабини қўйган.

QSB (quality system basic) талабларини жорий этишда бутловчи қисмлар етказувчи корхона ходимларидан тизм элементларини тушуниш ва иш жараёнига тўғри тадбиқ этишни билишни талаб этади. Айниқса ушбу элементларини такомиллашиб боришини ўқув-юрти талabalарини билиши, келгусида ўзбек автомобильсозлигидаги кадрлар муаммосида мутахассисларни ишлаб чиқаришга етук малакали кадр бўлиб боришлирга замин яратиб беради.

Мазкур магистрлик диссертацияси BIQS (Built-In-Quality Suppliers)ни жорий этишдаги муаммолар ва уларни ечимини ўрганишга ва таҳлиллар натижасида ушбу тизмни ўзлаштириш қулай бўлган дастурини яратишни долзарб масала сифатида кўради.

**Илмий-тадқиқот обьекти ва предмети.** General Motors компаниясининг дунё бўйича 10 000 (ўн минг)дан зиёд бутловчи қисмлар етказувчи ташкилотлари мавжуд бўлиб, улардан бугунги кунда сифат менежменти тизими талабларини жорий этиш, сақлаш ва сертификатлаштиришни амалга оширишдаги салмоқли ютуқларга эришганларининг 300 таси ҳар йили имтиёзли дипломлар билан тақдирланмоқда. Жумладан Ўзбекистондаги автомобилсозлик бутловчи қисмларини етказувчиларидан 11 таси 2015 йил якунлари бўйича шундай дипломга эга бўлдилар. General Motorsning маъқулланган етказувчи мақомини олишда BIQSning 29 элементларининг жорий этиш ва белгиланган талабларига мувофиқ бўлиш талаб этилади. Мазкур магистрлик диссертациясининг обьекти сифатида юқоридаги маъқулланган етказувчи мақомини қўлга киритган Асака шахридаги “Uz-DongWon Co” Ўзбекистон Корея қўшма корхонаси ва Фарғона шахридаги “Uz-SungWoo” Ўзбекистон Корея қўшма корхоналари таланилди. Илмий-тадқиқот предмети сифатида эса ушбу корхоналарда жорий этилган BIQSning 29 элементларини муаммолари ва уларнинг ечимларини таҳлилий асослаб бериш белгиланди.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** “GM-O’zbekiston” АЖ бутловчи қисм етазувчи корхоналаридан маҳсулот етказиб беришда истеъмолчи томонидан талаб этилган сифат менежменти тизими талаблари, BIQSning 29 элемнти асосида жараён бошқарувининг ўрни, ушбу бошқарув тизимининг муаммоларини ўрганиш ва ечим топиш тадқиқотнинг мақсади қилиб белгиланди. Истеъмолчини қаноатлантиришда энг асосий жихат бу сифатли маҳсулот, мақбул тан нарх ва ўз вақтида зарур миқдорда етказиб бериш ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек “GM-O’zbekiston” АЖ ишлаб чиқараётган автомобилар сифатининг 70% (фоизи) бутловчи қисм корхоналар хиссасига тўғри келади. Демак, автомобиль сифатли бўлишида етказувчи корхоналарнинг сифат тизими сиёсати тўғри йўлга қўйилган бўлиши лозим. Тадқиқотнинг мақсади ҳам ишлаб чиқариш корхоналарида

365 кунлик юқори сифатни таъминлашага хизмат қилувчи BIQS элементларини талаб асосида ўрганиб тизмда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат. Шу билан бирга ушбу тизим ўқув курсини олий таълим билим юртларида ҳам ташкиллаштириш йўлларини қидириб топишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Мамлакатимизга автомобилсозлик саноатининг кириб келиши ишлаб чиқариш мутахассислари ва мазкур соҳага малакали мутахассислар тайёрлаб берувчи ўқув юртлари олдига маҳсус талабларни билиш, жорий этиш, амал қилиш, сақлаш ва сертификатлаштириш, яъни ISO/TS 16949 халқаро стандарти ва қўлланмалар SPC (Statistical Process Control) жараёнларни статистик бошқариш, BIQS(Built-In-Quality Suppliers) етказувчилар учун мужассамланган сифат ва FMEA- юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар турлари ва оқибатлари таҳлили методларини маҳсулот ўзлаштиришда ва сифатни таъминлашда истеъмолчи билан келишиш лозимлигини кўзга кўринмас лекин салмоқли вазифа қилиб белгилади.

Ўзбекистон автомобилсозлигига 1996 йилда асос солинган бўлса шу ўтган йиллар мобайнида амалий дунёning назарий дунёдан узоқлашиб кетганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ушбу ҳолат сабаб бугунги қундаги комплекс соҳанинг юқори малакали кадрларга бўлган эхтиёжидан келиб чиқиб “амалий дунё” билан “назарий дунёни” бир-бирига яқинлаштиришга харакат қилиб кўрмоқчимиз. Бу илмий тадқиқотнинг янгилиги сифатида кўрилмоқда.

### **Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.**

Ишлаб чиқариш корхоналарида BIQS элементлари талабларини жорий этиш муаммоларини ечишда сўровномалар ўtkазиш ва олинган натижаларни таҳлиллаш асосида ечимларини топишга харакат қилди. Ушбу сўровномани ишлаб чиқариш ишчи-ходимлар ва бошкарувчилари, ҳамда олий таълим муассасасидаги талабалар ўтрасида ўтказилди. Олинган

натижалар шуни курсатдики, BIQS элементлари мөхияти билишни талабалардан бошлаш келгусида ишлаб чиқаришда уларни куллашда тушунчалар булишига олиб келади, ишлаб чиқариш учун эса ушбу элементлар буйича тушунарли, содда ва амалий кулланмалар яратиб, ишлаб чиқариш ходимларни иш жойиларида ўқиш осон жорий этишга олиб келади. Мазкур BIQS элементлари буйича амалий кулланмалар яратилиб талабалар ва ишлаб чиқариш ходимлари укитилса жорий этишда қуидаги устунликка эришилади:

- ✓ Ишлаб чиқаришда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди;
- ✓ Ходимларни иш жараёнига тўлалигача жалб этиш ва доимий текшриб боришини кафолатлай олиши мумкин;
- ✓ Муаммоларни тез бартараф этиш ва тезкор чора кўриш, гурух бўлиб муаммони ҳал этиш имкониятини яратиб бериши мумкин;
- ✓ Стандартлашган иш, ишчиларни ўқитишни стандартлаштириш, қўп босқичли аудитлар, хавфларни камайтириш жараёнини яхшилаши мумкин;
- ✓ Атроф-муҳит назорати, етказиш занжирини бошқариш, техник хизмат курсатиш, ишлаб чиқариш ва материал оқимини (бошқариш) менежменти, ташқи логистика муаммолари ечилиши мумкин;
- ✓ Ташкилий структура бўйича бошқарувни сифат сиёсатига боғлаш ва сифат бошқарувини, корхона бошқаруви асосига бириттиришни таъминлаши мумкин;

ОТМ ўқув жараёнида тавсия асосида ўқув машғулотлари ташкилланса қуидаги масалалар ечилиши фарз қилинмоқда

- ✓ Ўқув жараёнига тадбиқ этилган машғулотларни ишлаб чиқаришга боғлаб ўтишни таъминлаш мумкин;
- ✓ Талабалар билим салоҳиятини ошириш ва ишлаб чиқаришнинг актуал вазифаларидан бири бўлган методнинг ўрганилишини таъминлаш мумкин;

- ✓ Олий таълимда билим олаётган талабалар мутахассис сифатида ишлаб чиқаришга жалб этилганда, сифат бошқаруви йўналиши бўйича мухандис даражасидаги билим қўникмаларига эга бўлади ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган энг асосий тизимдан бири билан қисман бўлсада таниш бўлиш имконини бериши мумкин.

**Мавзу бўйича адабиётлар шарҳи.** Мавзу бўйича бир неча адабиётлар билан танишиб чиқди. Умуман ишлаб чиқаришда сифат бошқарувига оид адабиётларни бир қанчаси билан танишиб чиқиб улар ичидан диссертацияни тайёрлашда иқтибослар ҳам келтириб ўтмоқчиман. Мавзусини асословчи бўлим ҳисобланган асосий қисмда BIQS элементлари глобал бошқарув тизими ҳисобланган GM-GMS қўлланмаларини тайёрлашда қўлланилган адабиётлардан бир нечтасини келтириб ўтиш мумкин. Масалан: “Кайдзен: Япон компаниясининг маваффакиятга элтувчи калити” Имаи Масааки инглиз тилидан таржима, Синго Сиего., Изучение производственной системы Тойоты с точки зрения организации производства, “Кайдзен ишчилар учун” ва бошқалар. Бундан ташқари албатта халқаро стандартлар ҳам ушбу ишни ёритишда анчагина ёрдам бериши мумкин. Масалан: ISO 9000 Сифат менежменти тизими. Асосий низом ва луғатлар, ISO 9001 Сифат менежменти тизими. Талаблар, ISO/TS 16949:2009 Сифат менежмент тизими. Автомобилсозлик саноати ва ташкилотлари бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчиларга ISO 9001:2008 ни қўллаш бўйича маҳсус талаблар. Техник шарт.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Олиб борилган тадқиқотларимизда метрологик ўлчашлар, юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар, сифат харажатлари, халқаро стандартлар асосида сифатни бошқариш тизимларини корхоналарга жорий этилишида ўкув трейнинг машғулотларини ташкил этилиши, ўқитишлиарни каскад усулида ташкили этилиши, эксперемнт натижаларни олиниши каби бир қанча методлардан фойланмоқчимиз. Жумладан “Uz-DongWon Co” ва “Uz-SUNGWOO” қўшма корхоналарида жорий этилаётган BIQS

элементлари асосида жорий этилаётган талаблари ва ундаги муаммолар билан танишиб чиқиб, Уларни бартараф этишдаги чора тадбирлар хусусида қисман бўлсада ахборотларни жамлашга харакат қилмоқчимиз. Ушбу методлар асоси BIQS элементларини ўқитиш ва тарғиб этишшда ходимлар малакасини янада оширишга хизмат қиласди деган умиддамиз.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад аввал бошидан айтаганимиздек BIQS элементлари асосидаги талабларини ишлаб чиқаришда ходимларга ОТМда талабларга ўқитишдан иборат бўлиб, ушбу жараёнда ишлаб чиқаришда йўқотишлиарни камайганлиги ва ходимларнинг малакаси ошганлиги натижанинг аҳамиятини касб этади. Ишлаб чиқаришнинг сифат соҳасидаги сиёсати ва 365 кунлик доимий тизимли назоратни ташкил этилиши натижанинг назарий аҳамиятини келтириб чиқаради. Ходимлар малакасини ошганлигини эса ишлаб чиқариш жараёнига ходимнинг тўлалигича жалб этилганлгидан ҳам билиш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида “BIQS -board” доскасини юритилиши ҳам натижаларнинг амалий аҳамиятини кўрсатиб беради.

**Диссертация тузилмасининг тавсифи.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, атамалр ва иловаларни ўз ичига олиб, \_\_\_\_\_ бетдан иборат.

## **I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛСОЗЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

1992-йил ноябр ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг Андижон вилоятининг Асака шаҳрида “УзДэу авто” кўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабкл қилинди

1994 йил Асака шаҳрида автомобил заводи қурилши бошланди, 1996 йилда конвейрдан илк автомобил Дамас ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994-йил 17 мартағи Қарорига мувофиқ ташкил этилган «Ўзавтосаноат» Ўзбекистон Республикаси Автомобилсозлик корхоналари ассоциацияси (2004-йил августдан аксиядорлик компанияси-АК) бугунги кунда республикамиз иқтисодиётида этакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Мустақил республика учун янги бўлган автомобилсозлик соҳасини ташкил этиш бўйича ишларнинг бошланишида ҳеч кимга осон бўлмаган албатта, барча ходимлар бир-бирларига ёрдам беришга интилардилар. Албатта, бунда эгалланган билим, ҳаёт ва иш тажрибаси жуда муҳим ўрин тутарди. 1992-йилда Асака шаҳрида энгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи корхонанинг қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқиш бошланганда, уни амалга оширишда, ишлаб чиқариш соҳасида катта иш тажрибага эга бўлган мутахассис лойиҳачиларга эҳтиёж сезилиб қолди. Аслида, республикада автомобилсозлик соҳаси тўғрисида ҳеч ким тўла тасаввурга ҳам эга эмасди.

Шу маънода «Ўзавтосаноат» АК ўзининг фаолияти даврида бутун мамлакат учун кадрлар тайёрлаш маскани хам бўлиб хизмат кидди. Бу эрда тайёрланган мутахассисларга, ҳозирда нафақат автомобилсозлик соҳасида, балки республиканинг бошқа соҳаларида ҳам эҳтиёж катта.

Ўтган-йилларда «Ўзавтосаноат» АК томонидан ўнлаб кўшма корхона, Ўзбекистон автомобилларини сотиш бўйича пухта ишланган ва самарали фаолият кўрсатувчи хорижий диллерлик тармокдари ташкил этилди.

1998 йидса Асака автомобил заводи конвееридан дастлабки автомобил чиққанига икки-йил тўлмай туриб, «Ўзавтосаноат» АК Автомобилсозлик халқаро ташкилоти (ОИСА) аъзолигига қабул қилинди. Бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар сифатининг тан олиниши ва автомобилсозликнинг истиқболи порлоқлигидан дарак берарди.

«ЎзДЕУ» русумидаги автомобилларга эҳтиёж нафақат Ўзбекистон, балки Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатларда ҳам тобора ортиб борди.

2008 йил: «ЎзДЕУ» қўшма корхонаси ўрнида Американинг Кўшма Штатларининг General Motors компанияси “GM-Uzbekistan” АЖ ўз иш фаолиятини бошлади.

Бугунки кунда “GM-Uzbekistan” АЖ Ватанимиз ва дунё бозорига ўзбек автомобилсозларининг қўллари билан ишлаб чиқарилган автомобиллар сотувини амалга оширмоқда. “GM-Uzbekistan” АЖ ўз стратегик мақсад ва қадриятларини тўлалигича брендларга жо қилган бир бутун оила мисолида Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодиёти локомотивидан бирига айланиб улгурди.

## **1.1. Сифат бошқаруви тизмларининг эволюцион босқичлари GM-GMS глобал бошқарув тизими хақида қисқача маълумот**

Ҳозирги кунда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни етказиб бериш глобал самарадорликка эришиш сарф харажатларни камайтириш мухим ҳисобланади. Бунинг учун энг аввало ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, мухандис-техник ходимларни малакасини ошириш ишлаб чиқариш бошқарув тизимига O’zDST ISO 9001:2015 ва O’zDST ISO/TS 16949:2011 сифат менежменти тизимининг халқаро стандартлари истеъмолчи “GM-O’zbekiston” АЖ талабларини жорий этиш ва сертификатлаштириш ҳозирги кун автомобилсозлигидаги долзарб масалалардан биридир.

“Мана шу автомобиллар мисолида биз эзгу ниятларимизнинг ижобатини кўрамиз, Айни пайтда биз миллий автомобил саноатимизни ривожлантиришда назарий жиҳатлар билан чекланиб қолмасдан, бу борада амалий ишларга устувор аҳамият беришимиз, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларни замон талаблари даражасида такомиллаштиришга қодир мутаҳассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим”[1].

Бугунги кунда кадрларга бўлган эҳтиёж, талаб Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналарида мавжуд бўлиб, улрага малакали кадрлар тайёрлаб бериш биз илмий изланишлар олиб бораётган ёшларнинг олдида турган энг асосий масалалардан биридир.

“Бош вазир ўринбосари У.Розуқулов раҳбарлик қилаётган Машинасозлик комплексида юзага келган аҳвол бизни жиддий ташвишлантирумокда. Охирги йилларда шахсан сиз кадрлар билан ишлашни бўшаштириб юбордингиз”. [2]

“Жаҳон иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсиши ва илмий-техниканинг ривожланиш муммолари маҳсулотнинг сифатига бўлган эътиборни миллий иқтисодиётнинг ўсишига сабаб бўладиган важга айлантириб қўйди. Жаҳондаги ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатини ошириш ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот яратишга бўлган изланишлар ишлаб чиқаришнинг асосий вазифасига айлантириди. Замонавий технологиялардан фойдаланган холда юқори сифатни таъминлаш ижтимоий хаётнинг яхшиланиши, мамлакат иқтисодининг ўсиши, мудофаа тизими ва экологик хавфсизликнинг таъминланишидек бир қанча факторларни келтириб чиқаради. Рақобатбардошлилик фактори эса ўтиш даври бозор иқтисодиётида стабил иқтисодиёт ва юқори ижтимоий ўсиш суръатининг яхшиланишига хизмат қилмоқда”. [3]

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат талабгорнинг хоҳшига кўра ташкиллаштирилиши ва албатта нарх

хисобидан уни қоқниқтириш зарур. Бунинг учун эса сифат бошқарувининг замонавий идеологияси ва усулларидан самарали фойдаланиш зарур.

Олдинлари корханинг ютуғи арzon нархдаги товар маҳсулотларини ишлаб чиқариб уларнинг харидорларга ўз вақтида етказиб беришдан кўрилган бўлса, бугунги кундаги маҳсулот сифатига бўлган эътибор бу қарашни пуч ёнғоққа айлантирди. Бутун жаҳон сифат академиясининг Президенти А.Б.Фейгенбаум «TQM» журналининг 1999 йилги сонига берган интервюсида таъкидлаганидек “Сифатли ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш – бу ишлаб чиқаришнинг энг арzon ва тез йўлларидан биридир”[4]

Бутун жаҳон тан олган фактлардан бири бу корхона рақобатбардошлилигини сифатдан бошқа хеч нарса жаҳон бозорида муқум ушлаб тура олмаслигидадур.

“Сифат замонавий бизнеснинг энг асосий принципларидан бирига айланди”[5]

“Иккинчи жаҳон уришидан сўнг Япония ҳукумати ўз олдиган вайрон бўлган ишлаб чиқаришни жуда тез тиклаш вазифасини қўяди. Шунингдек бунда ғарbdаги компанияларга рақобатбардош бўлиш лозимлиги талаб этилган эди. **Toyota** корпорацияси раҳбарияти ўз олдига “Уч йил ичида ғарbdаги ишлаб чиқариш компания кўрсаткичларидан ўтиб кетиш мақсадини қўяди”. Улар қўйган мақсадга эришиш учун оммавий ишлаб чиқаришдаги плюс ва минусларни таҳлилил этиш, энг асосийси корхона ходимларни фидокорона ишлашларига жалб этишни лозим деб билдилар”[6]

“Tayota компаниясининг ютуқлари мана неча йиллардирки дунёning кўп ишбилармон кишилари ўртасида қизиқишга сабаб бўлади. Tayota автомобилларининг ишончлилиги дунё автомобилсозлиги учун этalon сифати қўланила бошланди, шунинг учун ҳам ҳар бир қизиқувчи маҳсулот

ва хизматлар сифатини оширишга интилмқода. Шу орқали ушбу компаниянинг сифат сиёсатига қизиқмоқдалар.

Джеффри Лайкер тайотанинг ютуқлари ва бизнес философиясини «ДАО» компаниясини тадқиқ қилиш жараёнида унинг 14 асосий бошқарув принциплари кўрсатиб берган.

Дао Тайота бошқарувининг асосий негизи ишчи ходимларга бўлган муносабатини мукаммаллик сифатида олиб бориб. Билим бериш яъни билмаганини ўргатиш ва ривожлантиришдан иборат. Айнан ишчи ходимларнинг квалификацияси, ишга бўлган муносабати ва жавобгарлик хисси – ҳар бир кампания ютуқларининг калити ҳисобланади”. [7]

1982 йил Toyota ва GM Америка Қўшма Штатларида қўшма корхона “NUMMI” ташкил этилди. Ва “*Қанча маҳсулот кўп бўлса, шунча яхши*” шиори “*Барча ресурслар ярими билан- ўша сифат ва ўша ҳажмда маҳсулот*” шиорига алмаштирилди.

GM корпорацияси базаси ушбу Toyota ва Suzuki философиясини кенг ёйиш учун 1996 йилда GM-GMS (*Global Manufacturing System – GMS*) концепциясини яратишга мувафақ бўлади.

GMS тизими нафақат GMнинг ннафақат Toyota ва Suzuki философиясининг бир қисми эди, балки GMS концепцияси ишлаб чиқариш, бошқариш тизими GM корпорациясини Ягона тизим; Ягона тил; Ягона тушунча асосида яратилган бошқарувни яқдил олиб бориш учун бир қўлланма сифатида қаралган концепция ҳисобланарди. Ушуб концепцияда 5 принципни кўриш мумкин:


1. Ходимларни жалб этиш;
2. Стандартлаштириш;
3. Мужассамлашган сифат;
4. Буюртмани қисқа муддатда бажариш;
5. Доимий такомиллаштириш. [8]

**«Инсонлар келади ва кетади, лекин тизим доимо қолади»** GMS нинг шиори ҳисобланади.

1990-йилларда автомобилсозлик корхоналарига назар ташлар эканмиз гарб ва узок шарқнинг бир-бирлари билан ўзаро автомобиль ишлаб чиқариш, сифат кўрсаткичлари, автомобилларга қулайликларнинг жорий этилиши, ахборот коммуникацион тизимларнинг қўлланилиши ишлаб чиқараётган маҳсулотга эътиборини жалб этишга бўлган харакатлар доирасида кураш олиб борганликларига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда 1990-йилда Ҳиндистон ва Япония муҳандислари томонидан автомобилсозлик корхоналари учун сифат тизимининг асослари ишлаб чиқилади. Ушбу тизмга QSB (Quality System Basic) Сифат тизими асоси деб ном берилади. Сифат тизими асослари нима? Унинг автомобилсозликдаги сифат бошқарувига таъсири қандай? QSB (Quality System Basic) – Сифат тизими асоси General Motorsнинг сифат тизими бўйича амалий етказувчидаги текшируви ҳисобланади қўйилган талаблар натижасида йиғув линиясига сифатли маҳсулот тақдим этиш демакдир.

General Motors текширувидан мақсад нима? Текширувдаги барча жараёнларни бир-бирига мувофиқлигини таъминлаш. Сифат тизимига жараёнли ёндашув QSB+ нинг 13 элементига жараён сифатида ёндошиш. General Motors ўз етказувчиларидан QSB (Quality System Basic) аввалига 11 элементдан иборат талабларга мувофиқ бўлишни талаб қилган ушбу жараён йиллар натижасида QSB+ ва кейинчалик BIQS талабларига ўзгартилган (1-расмда).



## **1-расм: Етказувчиларни мужассамланган сифат даражасига ўтиш эваллюцион босқичи**

### **1.2. Автомобилсозлик соҳасида мужассамланган сифат**

*Сифат – бу қўйилган талабнинг мувофиқлик даражаси ёки харидорни талаб ва ҳоҳишини қаноатлантириши даражаси.*

Сифат = кўзланган сифат + эришилган(натижа) сифат.

Мужассамланган сифат - нима?


Кўзланган сифат даражасига эришишда, ҳар бир жараённи бажаришда биринчисидаёқ қўйилган талабларни тўғри бажариш, нуқсон бўлмаслигини таъминлаш ва кейинги жараён сифат кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатмасликка йўналтирилган метод.[9]

**Шиор: Барча ишни сифатли бажараман!**

**Сифатли тайёрлайман!**

**Ўз истеъмолчимни қаноатлантираман!**

**Ҳар қандай муаммони ўзаро биргаликда ҳал этаман!**



Нуқсон - қўйилган талабга номуофиклик!

Нуқсон – стандартда ўрнатилган сифат талабларига мувофиқ бўлмаган алоҳида ажратилган маҳсулот.

Маҳсулот сифатни паст бўлиши - сотув, хавфсизлик ва атроф-муҳитлардаги йўқотишларга олиб келади!

**Мужассамланган сифат элементлари**

1. Маҳсулот сифат стандартлари
2. Ишлаб чиқариш жараёнини тасдиқлаш
3. Жараёнлар назорати ва текшируви

4. Сифат муаммоларини Feedback/Feedforward(қайта/олдин)га алоқаларини таъминлаш
5. Сифат тизимини бошқаруви

Сифат менежменти тизими - ташкилий структура, умумий ҳужжатлар, методлар, стандартлар ва уларни қўллаб-қувватловчи ресурсларни ўз ичига олади.


Кўзланган сифатга эришишда жараёнларни аниклаш, баҳолаш мезонлари ва методларини ўрнатиш, ҳамда уларни ресурслар билан таъминлаш ва доимий такомиллаштириш лозим.

- ✓ корхонада барча жараёнларни сифатли бажаришни қўллаб қувватлаш;
- ✓ барча жараёнларни сифатли бажариш учун мақсад ва стандартлар билан таъминлаш;
- ✓ шиорини кенг жорий этиш: ўз истеъмолчимни қаноатлантираман! муаммоларни ўзаро биргаликда ҳал қиласман!
- ✓ гурух аъзоларини қуллаб-қувватлаш мақсадда стандартлар ва сифат бўйича структурани жорий этиш.

### **1.3. Автомобилсозлик соҳасида сифатни таъминлашнинг стратегик мақсади**

- ✓ стратегик бошқарув/ сифатдаги етакчилик;

Ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналарида мақсадларга йўналтирилган стратегик бошқарув мавжуд бўлиб, ушбу стратегик бошқарув бошқарувчидан лидерлик хусусиятларини талаб этади. Бугунги кунда бошқарувнинг қўйидаги биринчи усулидан фойдаланмоқдамиз. Аслида эса натижага эришиш учун бошқарувнинг иккинчи усулидан фойдаланиш мақсадга мувафиқдир.



### 1-расм. Бошқарув услублари

- ✓ миссия, сиёсат ва мақсадларни ўрнатишда етакчилик қилиш;

Корхонада мақсадни белгиланиши бир тану юир жон бўлиб шу масқсадга эришиш йўлида ишни ташкиллаштириш асоси бўлиб хизмат қиласди.

1. БИЗ КИММИЗ ВА НИМА УЧУН БУ ЕРДАМИЗ?
  - а) биз мижозларимиз ишончини бир умрга қозонамиз
  - в) Бизнинг брендларимиз эҳтирос ва садоқат уйғотади
  - с) Биз инсонлар қадрлайдиган янги технология ва тажрибаларни автомобилларга тадбиқ этамиз
  - д) Биз фаолият юритаётган жамиятда инсонлар ҳаётини яхшилашга хизмат қиласмиз
  - е) Биз энг қадрли автомобил компаниясини яратмоқдамиз

### 2. БИЗНИНГ АСОСИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

#### A) МИЖОЗЛАР

✓ Биз бажараётган ҳар бир ишнинг марказида мижозлар туради. Биз мижозларимиз эҳтиёжларини диққат билан тинглаймиз. Ҳар бир муносабат муҳим. Хавфсизлик ва сифат биз воз кечмайдиган асосий мажбуриятимиздир.

#### B) ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

- ✓ Бизнинг муваффақиятимиз компания ички ва ташки муносабатларига боғлиқ. Мижозлар талабларини тўлиқ қондириш мақсадида фикрлар ҳилма-ҳиллиги ва дунё бўйлаб ҳамкорликни

рағбатлантирамиз

## C) МУКАММАЛЛИК

- ✓ Биз хаққоний ва вижданан фаолият юритамиз. Яратувчанлик ва инновациялар – бизни ҳаракатга келтирүвчи күч. Биз қийинчиликларни даъдиллик билан айта оламиз ва ҳал қиласиз. Ҳар биримиз натижа учун маъсулмиз ва ғалаба учун қатъийликка эгамиз.
- ✓ маҳсулот ва жараёнлар сифати кафолотини таъминлашда етакчи бўлиш;

Ҳар бир маҳсулот учун етакчи жавобгарлигини хис этиб туриши бошқарувда унинг еткачилигини янада мустаҳкамлайди.

- ✓ ишлаб чиқариш жараёнларини сифат таъминлашда етакчилик қилиш.

Ишлаб чиқариш жараёнларида босқичма босқич таъминланган сифат тайёр маҳсулотнинг сифат кафолатини белгилаб беради.


### 1.4. Мақсадга эришишдаги муҳим йўналишлар:

#### 1. Бизнес-режсани аниқлаши:


- ✓ аниқ мақсад ва стратегияни ўрнатиш;
- ✓ аниқ йўналишлар режасини тузиш.

Корхона миқиёсида бизнес режани ёйиш зарур ва ҳар бир ишчи ушбу бизнес режадан ғабардор бўлиб ушбу бизнес режани бажарилишига ўзини маъсул деб ҳисоблаши зарур.

### Бизнес-режасининг амалга ошириш- Business Plan Deployment



## 2-расм. Корхона фаолиятида бизнес режани амалга ошириш




## 3-расм SPQRS бизнес режани ёйишга мисол

### 2. Сифат тизими ва стандартлар

✓ ҳар қандай тизим ва стандартларни PDCA га мувофиқ қўллаш.

Барча натижалардан “Юз марта эшитгандан бир марта кўраган абзал” шиоридан фойдаланамиз

## PDCA асосиға курилған -BPD қандай ишлайди?



4-расм. PDCA асосида бизнес режани ишлаш принциптері

### 3. Ресурсларни сифатли ва түгери тақсимлаш

- ташкилий структурага мувофиқ жавобгарлық ва ҳуқуқтарни аниқ белгилаш.

### 4. Сифат тизимиға мувофиқтікни тасдиқлаш

- менежмент тизими талабларига мувофиқ стандарттарни жорий этиш;
- даврий ички аудитлар үтказишни таъминлаш.

### 5. GM-GMS (GM -Global Manufacturing System)

- GMS тизимини қўллаш билан компанияни такомиллаштириш;



- сифатни такомиллаштириш асосида доимий ривожлантириш.

*Юқоридагилар асосида корхонани қуриши ва ўз уйи сифатда қуриши мүмкінligини таъкидлаш лозим.*

**Компанияни ўз уйим сифатда қуриш:**

Женерал Моторс-бутун дунё ишлаб чыкаш тизими

**1.5. Сифат тизими асоси элементларининг моҳияти  
QSB, QSB+ ҳамда BIQS  
QSB нинг 11 элементи**

1 –жадвал

№	QSB элементлари номи
1	Тезкор чора кўриш
2	Номувофиқ маҳсулотни бошқариш
3	Текширув станциялари + Хатодан химояланишлар мувофиқлиги
4	Стандартлашган иш
5	Ишчиларни ўқитишни стандартлаштириш
6	Кўп босқичли аудитлар
7	Хавфларни камайтириш жараёни
8	Етказиш занжирини бошқариш
9	Ўзгаришларни бошқариш
10	Техник хизмат курсатиш
11	Ишлаб чиқариш ва материал оқимини (бошқариш) менежменти

**QSB+ нинг 13 элементи**


2 –жадвал

№	QSB элементлари номи
1	Тезкор чора кўриш
2	Номувофиқ маҳсулотни бошқариш
3	Текширув станциялари + Хатодан химояланишлар мувофиқлиги
4	Стандартлашган иш
5	Ишчиларни ўқитишни стандартлаштириш
6	Кўп босқичли аудитлар
7	Хавфларни камайтириш жараёни
8	Атроф-муҳит (тозалик, чиқиндилар) назорати
9	Етказиш занжирини бошқариш
10	Ўзгаришларни бошқариш
11	Техник хизмат курсатиш
12	Ишлаб чиқариш ва материал оқимини (бошқариш) менежменти
13	Ташқи логистика

**BIQS нинг 29 элементи**

<b>№</b>	<b>Элемент номи</b>	<b>Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган номи (Инглизча номланиши)</b>
<b>1</b>	Номувофик маҳсулот/ Маҳсулотни белгилаш	Nonconforming Material / Material Identification
<b>2</b>	Даражали аудит жараёни	Layered Audit
<b>3</b>	PFMEA жараёнларини амалга ошириш.	PFMEA s
<b>4</b>	PFMEAларда-Хавф устунлик сони ва уни даврий қайта кўриб чиқиш.	PFMEAs - Risk Reduction & Annual Review
<b>5</b>	Айланиб ўтишни бошқариш	Bypass Management
<b>6</b>	Хатодан ҳимояланишини айнанлигини тасдиқлаш.	Error proofing Verification
<b>7</b>	Ўлчов воситаларини калибровкалаш/Ўлчов тизимини таҳлиллаш.	Gage Calibration / Measurement System Analysis
<b>8</b>	Муаммони тез бартараф этиш жараёни	Fast Response Problem Solving Process
<b>9</b>	Муаммони жамоада ҳал этиш жараёни	Team Problem Solving Process
<b>10</b>	Сифатга йўналтирилган текширувлар	Quality Focused Checks
<b>11</b>	Стандартлаштирилган иш	Standardized Work
<b>12</b>	Жараён ўзгаришларини назорат этиш	Process Change Control
<b>13</b>	Айнанлигини тасдиқлаш (Якуний назорат/CARE/ GP12)	Verification Station (Final Inspection/CARE / GP12)
<b>14</b>	Ўзгаришлар назорати- Намуна ишлаб чиқариш оқими	Change Control – Production Trial Run (PTR)
<b>15</b>	Хабар бериш (Andon) жараённи амалда қўллаш.	Andon System Implementation
<b>16</b>	Хабар бериш ва юқорига даражали етказиш.	Alarm and Escalation
<b>17</b>	Кўриш(визуал) назоратлари	Visual Controls
<b>18</b>	Кўриш(визуал) назорати стандартлари-тушуниш	Visual Standards - Communicated and Understood
<b>19</b>	Жараёнлар назорати	Process Control
<b>20</b>	Жараёнлар назорати режасини амалга ошириш	Process Control Plan Implemented
<b>21</b>	Жараён имкониятини қайта кўриб чиқиш.	Process Capability Review
<b>22</b>	Қайта ишлов бериш/Таъмирлашни тасдиқлаш.	Rework / Repair Confirmation
<b>23</b>	Олдинга хабар бериш/орқага хабар бериш.	Feedback / Feedforward
<b>24</b>	Ўқитишлиар.	Training

<b>25</b>	Маҳсулот яроқсизланишини олдини олиш талаблари.	Contamination Requirements
<b>26</b>	Техник хизмат кўрсатиш.	Maintenance
<b>27</b>	FIFO/ Маҳсулотни сақлаш жараёни.	FIFO / Material Handling Process
<b>28</b>	Тасдиқланган қадоқларда етказиш.	Shipping Approved Packaging
<b>29</b>	Етказиш занжирини бошқариш.	Supply Chain Management



**3-расм. Мужассамлашган сифат жараёни талабларининг ўсиши**


- ✓ PPTH – этказилган **МИНГ** дона маҳсулотдаги нуқсонлар улуши маҳсулот мисолида кўрилиб, ундаги номувофиқ маҳсулотни аниқлашга хизмат қиласди, бунда бир кунда ишлаб чиқарилган мувофиқ маҳсулотни номувофиқ деталга бўлиб юз минга кўпайтириш йўли билан аниқланади.
- ✓ PPM- этказилган миллион дона маҳсулотдаги нуқсонлар улуши **МИЛЛИОН** дона маҳсулот мисолида кўрилиб, ундаги номувофиқ маҳсулотни аниқлашга хизмат қиласди, бунда бир кунда ишлаб чиқарилган мувофиқ маҳсулотни номувофиқ деталга бўлиб миллионга кўпайтириш йўли билан аниқланади.
- ✓ IpB- этказилган биллон дона маҳсулотдаги нуқсонлар улуши **МИЛЛИАРД** дона маҳсулот мисолида кўрилиб, ундаги номувофиқ маҳсулотни аниқлашга хизмат қиласди, бунда бир кунда ишлаб чиқарилган мувофиқ маҳсулотни номувофиқ деталга бўлиб миллиардга кўпайтириш йўли билан аниқланади.[10]

## П-БОБ. BIQS (Built-In-Quality Suppliers)

### ЕТКАЗУВЧИЛАР УЧУН МУЖАССАМЛАНГАН СИФАТГА КИРИШ

#### 2.1. Номувофиқ маҳсулотни бошқариш ва даражали аудит тартиби ва таҳлили

Барча ходимлар номувофиқ маҳсулотнинг кейинги (харидорга) жараёнга ўтиб кетмаслигини таъминлашга **жавобгардирлар!**





Нуқсонни ушлаш варағи (Containment Work Sheet ) Барча тарқалиш жойларини ўз ичига олиши ШАРТ !

Муаммо(нуқсон)ни ушлаш вароги				
Нуқсон аниқланган жой номи: GM-42	Муаммони шарт бойнуга масбути: Конус өткізу	Ишод:	Сана:	06.04.2014
Компонент(детал) номи ва раками: ФІТ МУФЛЕР №6184473				
Номувофиқлик(нуқсон) мазмуні: Номувофиқлик(нуқсон) компоненттердің бұлшыжайтынан таркалады.				
Компоненттардағы күләмдер: (Нуқсон компоненттердің бұлшыжайтынан таркалады)				
Нуқсон аниқланган жой номи: Из-РW океор	Төпніліш екітимолидати сони:	Текширилгандык холаты	Төпніліш нуқсондар сони:	Текширилгана жавобтар
GM-42	50	OK	—	Мануфур
Из-РW океор	153	OK	—	Оланжанов М
Из-РW білдірілген	220	OK	—	Башкапов М
Из-РW білдірілген	100	OK	—	Кудайкинов У

Из-РW - изоляцияланған маҳсулотни саралаш (жәр икін бұлсыв)  
 - саралаш методлари (визуал, үлчаш, шаблон) -  
 - саралаш мезонлары (стандарт) -  
 - маркировка -



### ОК ёки NG маҳсулотни белгилаб АЖРАТИЛАДИ:



Ишлаб чиқариш жараёни кетма-кетлигидеги бажариладиган ишлар

## **Даражали аудит жараёни- LPA даражали аудит ўтказиш тартиби РЕЖА ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ**

### **Ишлаб чиқариш жараёни:**

Авлалги аудит натижаларини текшириш; хато химояланиш (Error Proof) воситаларни текшириш; истеъмолчи эътиrozлари; материаллар оқими; чораларни амалга ошириш; хавфсизлик талаблари.

### **Маҳсулот аудит жараёни:**

Детални (киришдан истеъмолчигача ) тўла оқими; технология талаблар; мақсадлар бажарилиши харидор эътиroz ва таклифлари.

### **Аудит даврийлиги**

Бригадир кунда / 1 марта; Цех бошлиғи: хафтада/1 марта; Директор; чорақда/1 марта

## **ТЕКШИРУВ**

### **Текширувчилар:**

Ҳар куни Бригадир, хафтада бир Цех бошлиғи, чорақда бир Бош директор, аудит ўтказяптими?

### **Технология бўлими:**


Маҳсулот/жараёнлар аудит графиги бажариляптими? Текширувда барча бандлар, натижалар ва қайта алоқалар кўзда тутилганми?

## **ЧОРА**

Аудит натижаларини мухокама қилиш, керакли чора-тадбирлар қўллаш, 2 ёки ундан ортиқ аниқланган хатоликлар рўйхатини тузиш, Аниқланган муаммони етказиш учун муайян вақтни белгилаш, Кўп босқичли аудит натижаларини тегишли жойларга етказиш

### **Даражали аудит ўтказиш саволномаси**


1. 5S
2. Иш жойини ташкил килиш
3. Хавфсизлик
4. Эргономика
5. Назорат варағи юритилиши
6. Иш йўриқномалари
7. Мужассамланган сифат менежменти тизими талаблари
8. Истеъмолчи талаблари
9. Муаммо тез бартараф этиш йиғилишида кўрсатилган чоралар
- 10.Q варағи кўрсаткичлари
- 11.ва бошқа иш фаолиятида амал қилиш лозим бўлган вазифалар



Даражали аудитда аникланган номувофиқлик таҳлили (мисол).


1-диаграмма

СЕНТЯБРЬ ойи



### 2.1.1.PFMEA ва Хавф устунлигини даврий кўриб чиқиш

FMEA- Юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар турлари ва оқибатлари таҳлили.



## **FMEA үтказишдан мақсад:**

- ✓ режалаштирилган бизнес-жараёнини сифатли бажарилишини таъминлаш; талаб этилган хавфсизлик, экология, самарадорлик ва мустахкамлик(ишончлилик) тавсифлариға эришиш;
- ✓ лойиҳалаш, технология, техник хизмат күрсатиши ва таъмирашларда юзага келиши мумкин бўлган нуқсон (хавф, ишламай қолиш)ларни олдини олиш ва уларни оқибатларини камайтириш;
- ✓ юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар оқибатларини йўқотиши ёки камайтиришда статистик методларни жорий этиш, айниқса юқори хавфлар аниқланганда;
- ✓ ушбу жараёнларни ҳужжатлаштириш.

FMEA – лойиҳалаш ёки технология жараёнлариға бўлган ишончни оширибгина қолмай, балки нуқсонни бартараф қилишга кетадиган ҳаражат ресурсларни тежайди:

### **Process FMEA - технология жараён PFMEA си**

- ✓ Технология жараёни тасдиқлашдан олдин техник обьектни лойиҳалаш-технологияси босқичларида ишлов беришда ёки мавжуд технологияни такомиллаштиришда FMEA методи қуйидаги вазифаларни ечади:
  - ✓ ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштиришда технология жараёнидаги “кучсиз”жойларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга чоралар қўриш;
  - ✓ технология жараёни лойиҳалашда таклиф этилган ва альтернатив (ўхшаш) технология жараёни ва жиҳозларини яроқлиги ҳақида қарорлар қабул қилиш;
  - ✓ амалий натижалар асосида янада юқори қабул қилиш даражасигача технология жараёнига ишлов бериш: ишончлилик; ходимлар хавфсизлиги, технологик жараёнларда юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликларни топиш ва бошқалар;
  - ✓ оммавий ишлаб чиқаришга тайёрлик.

## FMEA ни жорий этиш

- ✓ Махсулотни түхтовсиз такомиллаштиришда, ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида FMEA дан фойдаланиш, номувофиқликларни топиш ва уларни бартараф этишда жуда муҳим ҳисобланади.
- ✓ FMEA ни олиб боришига бир киши бошчилик қиласада, маълумотларни тўплашга (команда) жамоа ташкил қилиш лозим, улар: малакали лойиҳачи, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, сифат мухандисиларидан иборат бўлса мақсадга мувофиқ бўлади.
- ✓ FMEA ни лойиҳалаш ва технология жараёнларига ўз вақтида тадбиқ этиш кейинги ўзгаришларни олдини олади.

Барча амалга оширилган ишлар ҳужжатлаштирилади.

### Хавф устунлик сони ва уни даврий қайта кўриб чиқиш



$$\text{Изоҳ: } RPN = S \times D \times O$$

бу ерда  $S$  - аҳамияти;  $O$  - юзага келиши ва  $D$  – топилиши.

# **FMEA- Йозага келиши мүмкін бўлган номувофиқликлар турлари ва оқибатлари таҳлили» БАЁННОМАСИ**


Таҳлил объекти \_\_\_\_\_ FMEA масъул бўлим \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_  
Махсулот тури, ич сана \_\_\_\_\_ Режалаштирилган FMEA санаси: Вароқ сони: \_\_\_\_ / \_\_\_\_  
Охирги маҳсулот тайёрловчи \_\_\_\_\_ Бошланди \_\_\_\_\_ Тугади \_\_\_\_\_ Гурух раҳбари:  
Кулланиши кўлами: \_\_\_\_\_ Ҳақиқий FMEA ўтказилган сана: \_\_\_\_\_  
Лойиҳалаш  Технология  Бошланди \_\_\_\_\_ Тугади \_\_\_\_\_ Гурух аъзолари:  
Такомиллаштириш  Номувофиқ маҳсулотни бошқариш

MUFFLER M300 и/ч технология PFMEA си таҳлили

## 4-жадвал

№	Жараён рақами	RPN қиймати	Юза келиши мүмкін оқибат	Тавсия этилган чора	Чорадан кейинги RPN қиймати	Масъул шахс
1	PO50	120	Пайванд чоки тешик	Ток кучи турғун сақлаш	40	Икромов А.
2	PO60	120	Пайванд чоки тешик	Ток кучи турғун сақлаш	30	Икромов А.
3	PO70	120	Пайванд чоки тешик	Ток кучи турғун сақлаш	30	Икромов А.
4	PA10	120	Пайванд чоки тешик	Ток кучи турғун сақлаш	34	Икромов А.
5	PA30	120	Пайванд чоки тешик	Ток кучи турғун сақлаш	32	Икромов А.
6	PO10	90	Киринді	Кесиш пичноғи ўткирлаш	30	Икромов А.
7	PO20	90	Ёриқ	Ток кучи турғун сақлаш	40	Икромов А.
8	PM20	90	Ёриқ	Ток кучи турғун сақлаш	38	Икромов А.
9	PM20	90	Шланг (оқима)	Пайвандлаш тезлигини турғун сақлаш	37	Икромов А.
10	PA60	72	Шкастланиш	Тара четларига резина қоплаш	40	Икромов А.

## MUFFLER M300 RPN-хавф устунлик сонини камайтириш (мисол)




### 2.1.2. Bypass (Айланиб ўтиш) бошқариш хужжатлари ва ҳатодан

#### химояланиш асосида сифат назоратини бошқариш

Ишлаб чиқариш жараёнларига Flow chart, C/P, PFMEA ва STS, SOS, JES ва бошқа стандартларда қўйилган талабларни бажаришда юза келиши мумкин бўлган хавфлар таҳлил қилинган ва улардан айланиб ўтиш чоралари кўрилган бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнининг тўлиқ хажмига таъсир қилувчи дизайн, инсон, машина, материал, метод ва атроф муҳит ўзгаришларида юзага келиши мумкин бўлган хавфларда айланиб ўтиш (Bypass management)ни бошқариш жараёнидан фойдаланиш тавсия этилади ва қуидаги стандартларга ўзгартириш киритиш лозим бўлади:



Тасдиқланган назорат режа С/Р сида белгиланган жараёнлар назоратидан ташқари қуийдаги тартибда айланиб ўтиш жараёни назоратини (Bypass Process Control ) белгилаши лозим:

- ✓ мавжуд ишлаб чиқариш жараёни талабларидан келиб чиққан ҳолда айланиб ўтиш жараёнига минимум талаблар ўрнатиш;
- ✓ айланиб ўтиш жараёнидан чиқиши учун тасдиқланган жараёнга қайтишнинг минимум талабларни ўтнатиш.
- ✓ айланиб ўтиш жараёнини қўллашга мисоллар:
- ✓ қотириш асбоби бузилиши;
- ✓ автомат пайвандлашни қул пайвандлаш билан бажариб туриш;
- ✓ асосий жараёнлар оқимидан ташқари ҳар қандай такрорий жараёнларга;
- ✓ хатодан ҳимояланиш ёки назорат воситалари ўрнига;
- ✓ вақтинчалик таъмирлаш жойларига ва бошқа;

Аҳамияти (severity) юқори 9-10 бўлган хатодан ҳимояланиш жойларга айланиб ўтиш жараёни жорий қилиш тавсия этилмайди.

**Айланиб ўтиш жараёни назорати тартиби қуийдагиларни ўз ичиға олади:**

- ✓ ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилган айланиб ўтиш методи/элементлари ишлаб чиқариш, технология ва сифат бўлимлари бошлиғи томонидан тасдиқланган бўлиши.
- ✓ айланиб ўтиш учун тасдиқланган жараёнлар, жараён назорати хужжатлари рўйхати бўйича олиб борилиши;
- ✓ айланиб ўтиш жараёнини PFMEA асосида ўрганилиб чиқиши ва Назорат режаси (Control Plan) хужжатларига киритилиши;
- ✓ айланиб ўтиш жараёни учун иш (SOS, JES) стандартлари расмийлашти-рилган бўлиши;
- ✓ ҳар бир айланиб ўтиш жараёни алоқадор жараёнлар билан келишилган бўлиши;

- ✓ айланиб ўтиш жараёни даражали аудит (LPA), тезкор чора кўриш (FR), PFMEA ва назорат режалари асоси ўрганилиб ташкил этилади ва айланиб ўтиш жараёни тугатилганида улар қайта кўриб чиқилади
- Хатолардан ҳимояланишларни қандай номламайлик уларни асосий мақсад - хатолар бўлишини олдини олиш, хавфи юқори бўлган муаммоли жойларга хатодан ҳимояловчи восита(метод)- ларни қўллашдир.

**Хатодан ҳимояланиш нима?**

Ишлаб чиқариш жараёнида юза келиши мумкин бўлган номувофиқ ва уни оқибатида истеъмолчи талабни қаноатлантир-масликка ёки йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган хавфларни олдини олиш восита (метод)ларидан фойдаланиш.

**Хатодан ҳимояланиш қачон қўлланади?**

- ✓ оқибати истеъмолчи учун юқори хавфли жойларига;
- ✓ ишлаб чиқаришдаги юқори йўқотишларга олиб келувчи жойларга;
- ✓ аҳамияти, юзага келиш, топилиши юқори номувофиқликларга.

**Хатодан ҳимояланиш айнанлигини тасдиқлаш:**

- ✓ амалий фойдаланиш ва даврий текширишлар орқали.

Маҳсулот ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришдаги хатолардан ҳимояланишда ишчиларга ёрдам бериш ва хатолар сони камайтириш ёки нолга тушириш.

**Хатодан ҳимояланишдан манфаатдорлик ғояси жуда муҳим:**

2-жаҳон уриши даврида парашютистлар ўз парашютларини ўзлари таҳлашган, қайсики парашютларни таҳлашда хато бўлишини олдини олиш максадида.

Автомобилсозлиқда сифат қўп қисм ва инсонлар иштирокида эришилади, ҳар бир жараён бажарувчиси ишлаб чиқарилаётган детал ва уни йигувчи ушбу автомобилни эгаси бўлиб қолсан деган фикр билан ишни бажариши лозим. [11]

**Хатодан ҳимояланишдан биринчи қадам бу хато қилмасликга  
ҳаракат қилишдир!**

Иккинчи жағон уриши даврида парашютларни таҳлашдаги хато қилиш даражаси 3% дан 0% га тушиб кетганды, сабаби парашютистлар үз парашютларини ўzlари таҳлашган.

### **Хатоларни олдини олишда рангли белгилаш (мисол)**

Рангли белгилаш:

- Динометр ключи берилған кучда экани намунашын мастер ёрдамида текшириш.
- Қотиришда динометр кучидан тұлағандағы болт калагига ранг белгиси күйиш;
- Қотирилған жойда ранг белгиси борлиги текшириш.



**Хато құлмасликни лойиҳалашда ҳисобга олиш,**

### **Магнитола наклейкаси ўрнатыш (мисол)**

Күйидегі магнитола наклейкасини күрениш-шакли ва ўрнатыш жойи симметрик бўлиб, икки ҳил күренишда ўрнатыш имкони мавжуд, лекин фақат биттаси тўғри:

Юқоридаги ёзув (эмблема)ли наклейканы шундай юпишириш усулини аниқлаш лозимки, ўрнатышда нотўғри юпиширилишига йўл қўйилмасин.

### **Хатолардан химояланиш энг яхши методи:**

Шундай деталларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш жараёнларини ташкил этиш лозимки, қайсики ишлаб чиқиш ёки уларни йиғишида тузатишларга йўл қўйилмасин.

Агарда детални ўрнатышда турли ўрнатиш имконияти мавжуд бўлса, уни шундай лойиҳалаштириш лозимки, фақат бир усул билан тўғри ўрнатиш имкони бўлсин.



REC << > >> STOP PAUSE

REC << > >> STOP PAUSE

Тўғри ўрнатиш!

REC << > >> STOP PAUSE

REC << > >> STOP PAUSE

Тўғри ўрнатиш!

REC << > >> STOP PAUSE

REC << > >> STOP PAUSE

Тўғри ўрнатиш!

REC << > >> STOP PAUSE

REC << > >> STOP PAUSE

Тўғри ўрнатиш!

REC << > >> STOP PAUSE

REC << > >> STOP PAUSE

Тўғри ўрнатиш!

REC << > >> STOP PAUSE

REC << > >> STOP PAUSE

Тўғри ўрнатиш!

REC << > >> STOP PAUSE

